

**"Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий
фаолият Миллий банки" АЖ
акциядорларининг 14.11.2024 йилдаги
26-сонли навбатдан
ташқари умумий йиғилиши билан
"ТАСДИҚЛАНГАН"**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ "КУЗАТУВ КЕНГАШИ
АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ"
ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

2024 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида"ги мазкур Низом (кейинчалик - Низом) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2019 йилдаги 356-сонли "Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ва банк Кузатув кенгаши аъзоларига улар сайланган кундан бошлаб, ваколатлари бекор қилинган санагача ўз вазифаларини бажариш даврида мукофот тўлаш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунча ва иборалар қўлланилади:

Банк Кузатув кенгаши - Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва Банк Устави томонидан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилишдан ташқари Банк фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи орган.

Кузатув кенгаши аъзолари- Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва Банк Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан **уч йил** муддатга сайланган шахслар.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ягона тартибга асосан кузатув кенгашларининг жавобгарлигини суғурталаш (D&O Insurance) мумкин.

Мукофот- функциялар ва вазифалар бажарилиши билан боғлиқ тўловлар ёки харажатлар компенсацияси.

МХТЭКМ - Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори

II. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТЛАРНИ ТЎЛАШ МЕЗОНЛАРИ

2.1. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига мукофотларни тўлаш мезонлари қуйидагича:

- Банк Кузатув кенгаши мажлисларида ва Банк Кузатув кенгаши кўмиталарида шахсан иштирок этиш;

- KPI (Key Performance Indicators) курсаткичларининг бажарилиши;
- мустақил ташкилот томонидан ўтказиладиган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари.

2.2. Кузатув кенгашларига давлат улуши бўйича тайинланган номзодлар бир вақтнинг ўзида учтадан кўп жамият кузатув кенгашларида аъзо бўлиши мумкин эмас;

2.3. Кузатув кенгашларининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг биттадан кўп кўмитасида раис булиши мумкин эмас;

2.4. Банк Кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинишида Банк акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан қўшимча мезонлар белгиланиши мумкин.

III. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ (ХАҚ) ТЎЛАШ

3.1. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига мукофотларни тўлаш манбалари бўлиб Банк маблағлари ҳисобланади.

3.2. давлат хизматчиси, давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари вакиллари ҳисобланган кузатув кенгаши аъзолари кенгашдаги фаолияти учун ҳақ олмайди.

3.3. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан давлат хизматчиси, давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари вакиллари ҳисобланмаган ва мустақил бўлмаган аъзолари учун йиллик мукофотнинг энг кўп миқдори (даромад солиғи ва барча мукофот пулларни ҳисобга олган ҳолда) 100 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача белгиланиши мумкин.

3.4. Кузатув кенгашига тайинланган мустақил аъзолар учун йиллик мукофотнинг энг кўп миқдори (даромад солиғи ва барча мукофот пулларни ҳисобга олган ҳолда) 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги лозим.

3.5. Кузатув кенгаши мустақил аъзоларга акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан:

кузатув кенгаши раиси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун - шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

кузатув кенгаши кўмитаси раиси ёки аъзоси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун - шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча мукофот тўланиши мумкин.

3.6. банд чиқариб ташланади.

IV. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТНИ ТЎЛАШ МИҚДОРИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан давлат хизматчиси, давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари вакиллари ҳисобланмаган ҳамда мустақил аъзолари учун йиллик мукофотнинг энг кўп миқдори (даромад солиғи ва барча мукофот пулларни ҳисобга олган ҳолда) 100 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача белгиланиши мумкинлигини инобатга олиб, уларга:

- ойлик белгиланган мукофот пули;
- чораклик Кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этишига қараб;
- йиллик корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра мукофот пуллари тўлаб берилади.

4.2. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин бекор қилиниб, кенгашга янги аъзолар сайланган ҳолатларда, мукофотларни тўлаш Банк Кузатув кенгаши аъзосининг ҳисобот даври календарь кунларида ҳисобланадиган ҳақиқий ваколат муддатига мутаносиб бўлган миқдорда амалга оширилади.

4.3. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига ойлик мукофотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-чи санасига қадар тўланади.

4.4. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига мукофотларни тўлаш амалдаги қонунчиликда белгиланган солиқ солишни ҳисобга олган ҳолда уларнинг банк карталарига тегишли маблағларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича Банк Кузатув кенгаши аъзоларига, қонунчиликда белгиланган тартибда, Банк кузатув кенгаши аъзолари вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилиши мумкин.

4.5. Кузатув кенгашининг чет эллик мустақил аъзоларнинг кузатув кенгаши йиғилишларига келиб-кетиш ва яшаш харажатларини тўлаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб талаблари асосида амалга оширилади.

4.6. -4.9. бандлар чиқариб ташланади.

V. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ТЎЛОВЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

5.1. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига бериладиган тўловлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Мазкур Низом Банк акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.

6.2. Мазкур Низом тасдиқланган кундан бошлаб ЎзР ТИФ МБ Кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотлар тўғрисидаги Низом (27.02.2020 й. №2) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.3. Агар мазкур Низомнинг қандайдир нормаси амалдаги қонунчиликка ва (ёки) Банк Уставига зид келадиган бўлса, унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва (ёки) Банк Уставида назарда тутилган норма қўлланилади.

6.4. Кузатув кенгаши аъзоларига мазкур Низомга мувофиқ тўланадиган мукофотлар тўғрисидаги ахборот амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан ошкор этилади.